*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1990 йил 19 сентябрь
ЧОРШАНБА
№ 214 (5.007).

**Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси**

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин

# БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ЙЎЛЛАРИДА

## *М. С. ГОРБАЧЕВнинг СССР Олий Совети сессиясида сўзлаган нутқи*

Ҳурматли ўртоқлар, сизлар А. Г. Аганбегяннинг маърузасини, С. С. Шаталин, Л. И. Абалкин нутқларини тинглашингизга ва ялпи мажлис доирасида бозор иқтисодиётига ўтиш дастури лойиҳасини муҳокама қилишни давом эттиришингизга тўғри келади.

Шу кунларда СССР Олий Советида ҳам, иттифоқдош жумҳуриятларнинг Олий Советларида ҳам эҳтимолки, қайта қуриш йилларидаги энг муҳим қарорлар қабул қилинади. Ҳозирги СССР Олий Советининг ижодий имкониятларини билганим учун депутатлар бу жуда жиддий ва масъулиятли ишни, халқ олдидаги катта масъулиятни ҳис этган ҳолда бажарадилар, деб умид қиламан.

Сессияда маърузачиларнинг нутқлари ва мунозарадан олдин умумий тарздаги баъзи масалалар юзасидан ўз фикримни қисқача айтиб, ўтган ҳафтада мен сизларга юборган дастур лойиҳасига ўз муносабатимни баён қилиб бермоқчиман.

Мен айтмоқчи бўлган гапнинг биринчиси шундан иборатки, менимча, бозор иқтисодиётига ўтиш ва бозор муносабатларининг ўзига таллуқли масалаларда бизда чалкашликлар кўп. Бозор иқтисодиётига ўтиш — иқтисодий жараёнларнинг давлат томонидан бошқарилиб турилишидан воз кечишдир, ҳамма нарса, энг аввало чакана нархларга таллуқли жиҳатлар ўз ҳолига ташлаб қўйилади, деган тасаввурлар анча кенг тарқалган. Жамиятимизда бозор муносабатларига ўтиш халқ турмуш шароитларига салбий таъсир қилади, деб ундан чўчиш ва хавфсираш кайфиятлари айни шундай тасаввур билан боғлиқдир. Умуман ана шу масалаларнинг ҳаммасига ушбу босқичдаёқ равшанлик киритиш керак. Гап аслида нима ҳақида бораётганлигини одамлар билишлари лозим. Шундай қилиш зарур, чунки мамлакат аҳолисининг анча қисмида бозор иқтисодиётига ўтиш — кимнингдир иблисларга хос иши, унинг меҳнаткашлар манфаатларига ҳеч қандай алоқаси йўқ деган тасаввур пайдо бўлса, ишнинг муваффақиятли чиқишига умид қилиш мумкин эмас.

Шуни очиқ айтиб қўйиш керак, биз бозор ҳамма масалани ҳал қилиб беради, деб ҳисобламаймиз. Бозор иқтисодиётига ўтиш масаласи амалга оширилаётган ўзгартишлар жараёнида вужудга келди. Уни ҳаётнинг ўзи ва юз берган ўзгаришлар мантиқи тақозо этди. Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимиз, иқтисодиётимиз тушиб қолган танг вазиятдан фақат туб иқтисодий ислоҳот йўлларига ўтиш орқалигина чиқиш мумкинлигини биз аллақачон тушуниб етдик. Биз ўз вақтида давлат мулкининг ялпи ҳукмронлиги ва унинг якка ҳокимлик ҳолати билан боғлиқ бўлган барча салбий оқибатларни бартараф этишни ислоҳотнинг бош вазифаси қилиб қўйдик.

Биз ўша вақтдаёқ мулкчилик муносабатларини ўзгартириш зарурлигини тушуниб олган эдик. Шу орқали иқтисодий турмушнинг янги шаклларига, жамиятда, иқтисодиётда ишлаб чиқарувчи инсоннинг янги ҳолатига чиқиб олиш зарурлигини тушуниб етдик. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда давлат ва акционерлик корхоналари, ширкатлар ва ижара асосида ишловчи корхоналар тенг ҳуқуқли субъект сифатида ҳаракат қиладиган аралаш иқтисодиётга чиқиб олиш йўлидан боришимиз лозим. Маълум миқёсда хусусий корхоналар ҳам бўлиши керак. Биз социалистик инқилобнинг туб масаласини ҳал қилишни: инсоннинг ишлаб чиқариш воситаларидан, мулкдан бегоналашиб қолганини бартараф этишни мулкчиликнинг хилма-хил шаклларига ўтиш билан боғламоқдамиз, шу йўл билан социализмни одамларнинг хусусий манфаатлари билан бирлаштирамиз. Аслида, биз «Фабрика ва заводлар— ишчиларга, ер — деҳқонларга» шиорига қайтмоқдамиз.

Айни шулар орқали биз одамларнинг ташаббускорлигига, уларнинг меҳнат фаолиятига, омилкорлигига қудратли омил бахш этиб, фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар очиб, мамлакат иқтисодий тараққиётининг янги жўшқин даврига чиқиб олишни истаймиз. Лекин ишлаб чиқариш жамоаларининг, айрим кишиларнинг иқтисодий эркинлиги, хўжалик соҳасидаги мустақиллиги уларнинг бир-бири билан ўзаро муносабатлари хилма-хил бўлишини ҳамда айирбош қилиш ва тақсимлашнинг муайян қоидалари ва воситаларидан фойдаланишни тақозо этади. Буларнинг ҳаммасини бозор доирасида таъминлаш мумкин. Демак, бозор муносабатларига, замонавий тўлақонли бозорни барпо этишга ўтиш зарур. Шундай қилиб, ҳозир, биз туб иқтисодий ислоҳот доирасида мулкни давлат тасарруфидан олиш йўлидан бориб, мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилишга, турмушнинг янги шаклларига ўтаётган пайтимизда бозор вужудга келмоқда. Мен депутатларга мурожаат қилиб, ишнинг ана шу томонларини пухта ишлаб чиқишга тегишлича эътибор беришни сўрайман, чунки юқорида айтиб ўтганимдек, худди шу масалада чалкашликлар, кўп ва ўринсиз қўрқувга тушишлар пайдо бўлмоқда.

Яна бир мулоҳаза. Туб иқтисодий ислоҳот доирасида биз жамиятимиз тараққиётини бутунлай буриб юбормоқдамиз. Лекин ана шу бурилишни амалга оширар эканмиз, бу туб ўзгаришлар қандай жамиятда бўлаётганлигини доимо кўзда тутиш керак. Акс ҳолда сиёсатда ва амалиётда катта хатоларга йўл қўйиш мумкин. Биз қаерда ҳаракат қилаётганлигимизни ҳамиша эсда тутишимиз, билишимиз, кўришимиз ва ҳамиша ҳисобга олишимиз лозим, сиз билан биз эса шундай мамлакатда ҳаракат қилмоқдамизки, уни катта мамлакат дейишнинг ўзи камлик қилади, биз кўп миллатли давлатда ҳаракат қилмоқдамиз, муаммолар ҳам, мажмуалар ҳам, эски ақидалар ҳам тўлиб-тошиб ётган жуда мураккаб жамиятда ҳаракат қилмоқдамиз. Қисқача қилиб айтганда, бутун воқеликни, биз дуч келган ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам мафкуравий, ҳам психологик, ҳам миллий воқеликни равшан кўра билишимиз лозим. Совет кишиларининг авлодлари амалга оширган барча яхши ишларни ҳам, ўзгартиш йўлларини танлашда Октябрь инқилобидан кейин йўл қўйилган бузилишларни, хатоларни ҳам равшан кўра билишимиз керак. Бошқача ёндашув иғвогарона ва истиқболсиз бўлур эди.

Келажак учун режаларни белгилар эканмиз, шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, бунда фақат ўз тараққиётимизни эмас, бутун жаҳон маърифатини кўзда тутишимиз лозим, унинг ютуқларини ҳам, жаҳон олдида турган улкан муаммоларни ҳам ҳисобга олишимиз лозим. Лекин ўртоқ Бочаров айтганидек, анави Ғарбда, анави ривожланган мамлакатларда, ўша Австралияда ҳамма нарса қойилмақом деб ҳис-туйғуларга берилиб кетмаслик керак. Энг муҳими — жамиятга ўз вақтида зўрлик билан тиқиштирилган маъмурий буйруқбозлик усулидан воз кечар эканмиз, яна субъективизм, кабинетларда ўйлаб чиқарилган схемалардан кўр-кўрона фойдаланиш ва бировларнинг тажрибасини заминимизга кўр-кўрона кўчириш йўлига ўтишга йўл қўйиб бўлмайди. Жамиятдаги реалликни, иқтисодий жараёнларнинг объектив боришини, одамларнинг туб манфаатларини, уларнинг кайфиятини, руҳиятини ҳисобга олмай туриб, уларни иқтисодий турмушнинг янги шаклларига, акционерлик корхоналарига, ширкатларга, ижара ёки хусусий мулкчиликка зўрлик билан киритиш мумкин эмас. Биз шундай сиёсатни ўтказишимиз ва шундай қонунга эга бўлишимиз лозимки, уларнинг амалга оширилиши мулкчиликнинг шаклларини ҳам, хўжалик юритишнинг усулларини ҳам танлашда бизнинг социалистик ғояга, эркинликка, демократияга, ижтимоий адолатга содиқлигимиздан келиб чиқиб, эркин ҳал қилишга имкон берсин.

Шу муносабат билан биз амалга ошираётган ва бундан буён ҳам амалга оширмоқчи бўлаётган ўзгартишларнинг социалистик ғоя билан, социалистик йўл билан муносабати хусусида тўхталмоқчиман. Келинг, мўлжаллаб кўрайлик: турмушимизнинг ҳозирги даражаси социализмнинг олий мақсадларига мос келадими? Ходимнинг ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналаштирилганлиги, хўжаликни бошқаришда иштирок этишдан четлаштириб қўйилганлиги, булар нима — социализмнинг белгиларими? Ижтимоий ҳимояланиш даражасичи, меҳнатдаги куч-ғайратларнинг сабаби, инсоннинг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлиги даражасичи? Шуларнинг ҳаммаси социализмга мос келадими? Ишни айни мана шундан бошламоқ керак.

Энди иккинчиси. Бозор иқтисодий муносабатларни халқчил қилади, социализм эса демократиясиз бўлмайди. Мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиб биз чинакам коллективизм учун реал ва соғлом заминни яратамиз. Ҳамма нарсани давлат мулкига айлантириш эмас, балки ишлаб чиқарувчиларнинг эркин уюшмаларини, акционерлик жамиятларини, ишлаб чиқариш ва матлубот кооперацияларини, ижарачилар ва соҳибкорларнинг бирлашмаларини тузиш — ихтиёрийлик ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик қоидалари асосида ишлаб чиқаришни чинакамига умумлаштиришнинг бош йўли ана шундан иборат. Иқтисодиётимизни чинакамига ижтимоийлаштиришнинг илдизлари айни мана шунда.

Учинчиси. Фақат мувозанатли бозоргина социализмнинг меҳнатга қараб тақсимлаш деган асосий қоидасини амалга оширишни таъминлай олади. Пештахталар бўшлигида ишлаб топган пулнинг қадри бўлмайди. Одамлар ўзлари учун зарур молларни топа олмайдилар, даромадларини сарфлай олмайдилар, бунинг оқибатида юксак унум билан самарали меҳнат қилишга қизиқиш йўқолади, тақчилликдан, нормал бозор муносабатлари йўқлигидан фойдаланувчи текинхўр ижтимоий гуруҳлар пайдо бўлади.

Ниҳоят, тўртинчиси — ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш. Бозор муносабатларига ўтиш бу тушунчани сифат жиҳатдан бойитишга ва унга чинакам социалистик мазмун бағишлашга имкон беради. Шу вақтгача ижтимоий ҳимоя қоидасининг юзаки, айтишим мумкинки, истеъмолчилик нуқтаи назаридан талқинига дуч келинмоқда. Бундай талқин ҳозирги пайтда мунозараларда иқтисодиётни унча яхши билмайдиган кишилардагина эмас, анча нуфузли, катта билимларга эга бўлган кишиларда ҳам пайдо бўлмоқда. Ижтимоий ҳимоя кўпинча бараварлаштирилган моддий кафолатлар: энг кам миқдордаги иш ҳақи, меҳнатга қобилиятсизлиги учун нафақа, пенсия, уй-жойнинг квадрат метрлари, бепул тиббий ёрдам ва шу кабилардан иборат қилиб қўйилмоқда. Бу кафолатлар ҳам зарур, албатта, бинобарин, барча фуқароларга, уларнинг ижтимоий фаровонликни ўстиришга меҳнат билан қўшган ҳиссасидан қатъи назар ана шундай кафолатлар берилиши керак. Бу Конституцияга мувофиқ биз ҳар бир фуқарони сўзсиз равишда таъминлашимиз лозим бўлган нарсадир.

Лекин жамият ҳар бир кишининг эркин меҳнат қилиш, юқори натижа билан ишлаб кўп ҳақ олиш, ташаббус кўрсатиш ҳуқуқини кафолатли таъминлаши лозим. Таркиб топаётган иқтисодий муносабатлар системасининг ўзи самарали меҳнатни ҳар томонлама рағбатлантириши керак. Бозор бизга ана шунинг учун керак. Биз юқори унум билан ишлайдиган ходимларнинг, илғор корхоналарнинг, ихтирочиларнинг, ташаббускор хўжалик ходимларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, ногиронлар ва етимлар, қариялар ва кўп болали оналар учун, барча камбағаллар учун энг кам даражадаги ижтимоий кафолатлар миқдорини мунтазам равишда ошириб бора оламиз. Масаланинг ҳаётий алоқаси, диалектикаси ана шундан иборат.

Менимча, биз кўзлаётган, инсоннинг, меҳнат жамоаларининг сиёсий, иқтисодий эркинлиги биринчи ўринга қўйиладиган, демократия, қонунийлик, ташаббускорлик ва масъулият тантана қиладиган, давлат сиёсати меҳнаткашларнинг туб манфаатларини амалга оширишга, инсонни маънавий жиҳатдан камол топтиришга, ижтимоий адолатни таъминлашга қаратиладиган жамият — социалистик ғоялар чинакам мужассамлашган жамият ана шундай бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисидаги мунозараларда хусусий мулк тўғрисидаги масала айниқса ўткир муҳокама қилинаётганлиги муносабати билан биз бу масалага равшанлик киритишимиз, уни воқелигимиз билан боғлиқ ҳолда холисона кўриб чиқишимиз керак. Шундай қилишимиз керак, чунки бу ерда, Олий Советда академик Шаталин гуруҳи ишлаб чиққан дастур лойиҳаси капитализмга олиб борадиган лойиҳа, деб аталди. Ҳолбуки, бу дастурдаги, унинг биринчи жилди 63-саҳифасидаги яқин 7—12 йилда саноатни давлат тасарруфидан олиш жараёнларининг эҳтимол тутилган динамикасига назар ташланса, бундай айблар мутлақо асоссиз эканлиги равшан бўлади, лекин бу ерда, Олий Советда ҳам бутун халқнинг кўз олдида ана шундай гаплар айтилмоқда. Аввало гап аралаш иқтисодиёт тўғрисида бормоқда. Мен бу ҳақда гапириб ўтдим. Бунинг устига, шундай аралаш иқтисодиёт тўғрисида гап бормоқдаки, унда хусусий мулк баъзи соҳалардагина муҳим роль ўйнайди, аммо умуман жамиятда унинг роли жуда чекланган бўлади.

Сўнгги вақтда ерга хусусий мулкчилик масаласида қизғин баҳслар давом этмоқда. Бу энг муҳим масалалардан биридир. Менимча, бу масалани халқ ҳал қилиши, референдум орқали ҳал қилиши лозим. Бу жуда муҳим муаммоки, ўртоқлар, уни кабинетларда, аудиторияларда ёки мажлис залларида ўтириб, ҳатто бугун биз иш олиб бораётган масъулиятли мажлисда ҳам ҳал қилиб бўлмайди. Ерга хусусий мулк бўладими, ёки бўлмайдими — бу масалани ҳал қилиш халқнинг қонуний ҳуқуқидир. Буни фақат референдум орқали ҳал қилиш мумкин. Менинг нуқтаи назарим ана шундай, мен буни гапириб ўтдим, ҳозир биз бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилаётганимизда яна бир бор такрорламоқчиман. Менимча, бошқача йўл тутиб бўлмайди. Олий Совет ўйлаб кўриши ва бу соҳада ўз позициясини эгаллаши лозим, менимча.

Яна бир масала. Бозор иқтисодиётига, иқтисодий турмушнинг янги шаклларига ўтиш йўлларида амалга оширишимиз лозим бўлган ишлар ғоят кенг миқёсли, мураккаб бўлиб, бу соҳада осон ечимлар бўлмаслигини тўғридан-тўғри очиқ айтиш керак. Шу сабабли бозор билан чўчитмаслик, қўрқувни авж олдирмаслик зарур, лекин уни жўнлаштириб ҳам бўлмайди. Биз ўзимизни ҳар томонга ташламай иш қилолмаймиз. Бировларга буларнинг ҳаммаси осон ва бирданига амалга ошадигандек туюлади. Йўқ, ундай эмас, бу Ватанимиз тарихида бошимиздан кечирадиган энг теран тўнтариш бўлади.

Кўп нарсани ўйлаб кўришга, ҳал этишга ва бозорга ўтишни бошлаш учун ҳамма ишни қилишга тўғри келади. Мамлакатимиздаги кўпчилик одамлар бу вазифанинг муҳимлигини тушунадилар, деб ўйлайман. Шугина эмас, биз бу вазифани амалга оширишни ортиқча пайсалга сололмаймиз.

Энди мен академик Аганбегян раҳбарлигида олимлар, мутахассислар жамоаси томонидан якунловчи босқичда тайёрланган лойиҳага ўз муносабатимни айтиб ўт-

**(Давоми 2-бетда).**





**Жиззах вилоятининг Арнасой районидаги Тимошенко номли давлат хўжалиги пахтазорларида бўлсангиз, мўл ҳосилдан кўз қувониб, дил яйрайди. Йиғим-терим авжида. Бу юмушда 700 нафардан зиёд теримчи фаол қатнашмоқда. Уларга бир килограмм пахта учун 25 тийиндан ҳақ тўланиб, ҳар куни дала бошида ҳисоб-китоб қилинаяпти.**

**Беллашувда Суюн Эшонқулов бошлиқ ижарачилар бригадаси пешқадам. Қабул пунктига кунига 6—7 тонна оқ олтин жўнатилаяпти. Эрта-индин терим машиналари ҳам пайкалларга киритилади. Ўшанда суръат янада ошади. Меҳнат аҳли сентябрь ойида марранн эгаллашга, 320 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26 центнердан хирмон кўтаришга аҳд этган.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Илғор теримчи Шаҳодат Сирмонова. У ҳар куни 110—120 килограмм пахта термоқда. 2. Бригада саркори Суюн Эшонқулов.**

К. ЖЎРАҚУЛОВ
олган суратлар.

*«Қишлоқ ҳақиқати»га обуна қандай бораяпти?*

## Ҳиммат

**БУХОРО. (Мухбиримиз Н. Муҳаммаджонов телефон орқали хабар беради).** Бухоро районидаги «Маданият» колхози бошқаруви, партия ва касаба уюшмаси комитетлари хайрли ишга қўл урдилар: «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасига обуна бўлишлари учун меҳнат ва уруш мўйсафидларига, кўп болали оналарга, кам даромадли оилаларга хўжалик маблағидан 350 сўм ажратилди. Жамоа хўжалигида мазкур нашрга ҳамиша қизиқиш катта.

— Меҳнаткашларимиз бу рўзномани севиб ўқийдилар, — деди колхоз бошқаруви раиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати Муҳаммад Аҳмедов. — Чунки унда деҳқонлар ва чорвадорлар учун фойдали маслаҳатлар, қишлоқ ҳаётига оид янгиликлар мунтазам босилади. Рўзнома колхозчиларимизнинг яқин маслаҳатгўйи, кўмакчисидир.

Хўжалик ажратган маблағ ҳисобига Саид Каримов, Ҳамро Қаҳҳоров, Ислом Усмонов каби мўйсафидлар, Муслима Каримова ва бошқа болажон оналар обуна бўлдилар. Нашрга ёзилиш бригадаларда уюшқоқлик билан давом этмоқда. Хўжалик аҳли келгуси йилда «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасини ҳозиргидан уч ҳисса кўп олишга аҳд этган.

Мазкур колхоз сертармоқли. Асосий соҳа ҳисобланган пахтачиликда қувончли натижаларга эришилмоқда. Чунончи жорий йилда 1650 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31,2 центнердан сифатли пахта саранжомлаш мўлжалланган. Шу кезларда йиғим-терим жадал олиб борилаяпти. Ялпи хом ашёнинг 3 минг тоннаси уруғликка топширилади.

## ДЕҲҚОНЧИЛИК АХБОРОТИ

### КОМБАЙНЛАР ИШГА ТУШДИ

**Жумҳуриятимиз жанубидаги энг катта шоли майдони бўлган қўриқ Гагарин районида ўрим-йиғим мавсуми бошланди. Бу ерда қарийб етти минг гектар майдонга қимматбаҳо озиқ-овқат экини экилган. Ўрим-йиғим бошлангунича 150 дан зиёд комбайн ва транспорт воситалари тахт қилиб қўйилди, далаларга олиб борувчи йўллар тартибга солинди.**

**«Правда» совхозининг Э. Шомуродов, А. Алимардонов, Б. Абдураҳимов каби механизаторлари ўз комбайнларини далага биринчи бўлиб олиб чиқдилар. Комбайнчилар ишлаётган Б. Алламуродов звеносида мўл ҳосил етиштирилган. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ҳар гектар ердан мўлжалдаги 35 центнер ўрнига камида 40 центнер шоли олинади. Ҳар бир комбайнчи 350 тоннадан дон йиғиб беришга аҳд қилган.**

### ЕМ-ХАШАК ҲАМ БЎЛАДИ

**Қува районидаги «Правда» колхозининг У. Мухторова бошлиқ ижарачи звеноси беда экишни тугаллади. Деҳқонлар шу йилнинг ўзидаёқ дастлабки ҳосилни олишни мўлжаллашмоқда.**

**Бу йилги мавсумда оила хўжаликдан 12 гектар ер олди. Бутун майдонга силос учун маккажўхори экилди. Экинларни яхши парваришлаш натижасида ижарачилар ҳар гектар ердан 350 центнер кўк поя олиш имконига эга бўлдилар. Буларнинг ҳаммаси аллақачон силос ўраларига жойланган.**

## ҒАМХЎРЛИККА ЖАВОБАН

Навоий номли колхозда пахта терими Чиноз районида биринчи бўлиб бошланди. Хўжаликда теримнинг дастлабки куниданоқ теримчиларга ҳар килограмм пахта учун 25 тийиндан эмас, балки 30 тийиндан тўлашга қарор қилинди. Бу ортиқча харажатми? Албатта. Лекин энг яхши муддатларда териб олинган юқори сифатли пахта бу харажатларнинг ўрнини 100 карра қоплайди.

— Қанча чиқди? — деб сўрайман ҳозиргина терилган пахтани торозида торттирган М. Икромов бошлиқ комсомол ёшлар бригадаси аъзоси Зоир Раимовдан.

— 157 килограмм! — Мамнуният билан жавоб беради у. Зоир Раимов бу йил хотини Ҳуринисо Акрамова билан 0,3 гектар ерда пахта етиштиришди. Шартномага мувофиқ ана шу ердан 10 тонна пахта топширишлари керак. Ҳосилнинг чўғи бу оила ўз мажбуриятини бажаришини кўрсатиб турибди.

Хўжаликда умуман меҳнатчилар манфаатлари биринчи ўринга қўйилмоқда. Дала шийпонларининг атрофи боғ ва полиз. Колхоз раиси Х. Акрамовнинг таклифи билан ҳар бир дала шийпонига 0,5 гектар ер ажратилган бўлиб, ана шу майдонда мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштирилади. Шу сабабли пахтакорлар дастурхонидан олма, шафтоли, узум, помидор ва ошкўк аримайди.

Бундай ғамхўрликка жавобан 280 теримчи ҳар куни 24—25 тонналик хирмон уяяпти. Хўжаликда 1000 тонна пахтани қўлда териб олиш режалаштирилган. Ҳосилнинг 1200 тоннаси эса машиналар билан терилади.

Хўжаликда техникадан самарали фойдаланишга катта эътибор берилмоқда.

— Қўшни колхозда йигирмата трактор бор, — деб ҳикоя қилади Х. Акрамов. — Бизда саккизта холос, лекин уддалаяпмиз. Чунки биз тракторлар қувватининг 70 фоизидан фойдаланамиз. Демак, колхозимизда машина ва механизмлар кўпроқ ишлатилади. Тўғри, механизаторлар ҳам кўп ишлайдилар, лекин улар самарали меҳнат қилганликлари учун кўпроқ ҳақ ҳам оладилар. Бу «меҳнатни рағбатлантириш» дегани. Масалан, ҳайдовчи К. Нуримов иккита тележкани тиркаб пахта заводига бир йўла 7—8 тонна хом ашёни етказиб беради. Ҳар бир тоннаси учун бир сўмдан ҳақ олади, бир кунда заводга уч марта қатнаса, кунлик иш ҳақи 21—24 сўм бўлади.

— 500 оила учун бир ой давомида икки килограммдан гўшт улашамиз—дейди раис. — Бунинг учун тўрт тонна гўшт керак бўлади. Мавсумга атаб буқаларни сўқимга боқяпмиз.

Навоий номли колхозининг ташаббуси ҳозир райондаги барча хўжаликлар учун яхши намуна бўлди. Чунки бу ерда амалга оширилаётган ҳар бир тадбир дала меҳнатчилари фаровонлигини оширишга қаратилган. Меҳнатчилар эса ғамхўрликка унумли иш билан жавоб қайтармоқдалар.

П. НИШОНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

## *ИЛҒОРЛАР ИБРАТИ*

**«Ҳурмат» ордени соҳибаси Малика Эшчонова 6 йилдирки, Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятининг Амударё районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигида пахтачилик бригадасига раҳбарлик қилмоқда. Меҳнат аҳли бу йил 84 гектар майдонда мўлжалдаги ҳосилни етиштирдилар. Давлатга ҳар гектар ердан 26,8 центнердан, жами 233 тонна оқ олтин етказиб берилади.**

**— Зиммадаги режани уддалаш мақсадида баҳордан бошлаб астойдил меҳнат қилдик, — деди бригада бошлиғи Малика Эшчонова. — Ақл-идрок, тадбиркорлик ва ҳамжиҳатлик табиат инжиқликларига қарши қўйилди. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш оби-тобида ўтказилди. Натижада ҳар туп ғўзада ўртача 10—12 тадан бўлиқ кўсак тўпланди. Бунда механизаторлар Рустам Отажонов ва Йўлдош Саидов, колхозчилардан Иброҳим Абдуқодиров, Бозоргул Ҳайтакова ва Жумагул Ҳайитжоноваларнинг ҳиссалари ғоят катта. Айни кунларда улар йиғим-теримда ҳам ўзларини кўрсатмоқдалар. Суворийлар кунига бункерлардан 7—8 тоннадан оқ олтин тўкишаётган бўлсалар, чеварлар 120—130 килограммдан пахта термоқдалар.**

Х. ОТАМУРОДОВ.

## ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРАЯПТИ?

**Жумҳурият вилоятларида ғўзани баргсизлантиришнинг бориши тўғрисида шу йил 18 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ**

(Биринчи устун — вилоятлар, иккинчи устун — ғўзани баргсизлантириш режаси (минг гектар), учинчи устун — бир кунда, тўртинчи устун — мавсум бошидан (режага нисбатан фоиз ҳисобида).

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Жиззах** | **137** | **5,5** | **100** |
| **Самарқанд** | **100** | **4,0** | **100** |
| **Сирдарё** | **152** | **4,6** | **100** |
| **Тошкент** | **121** | **4,9** | **100** |
| **Қашқадарё** | **183** | **6,6** | **100** |
| Сурхондарё | 110 | 8,6 | 95,5 |
| Андижон | 110 | 7,4 | 92,3 |
| Фарғона | 90 | 10,2 | 91,0 |
| Наманган | 73 | 10,7 | 89,3 |
| Бухоро | 115 | 7,0 | 85,5 |
| ҚҚАССР | 120 | 4,9 | 83,5 |
| Хоразм | 70 | 6,6 | 75,3 |
| Жумҳурият бўйича: | 1381 | 6,5 | 94,0 |

